

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар парламент назорати доирасида Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йилдаги ҳамда 2017 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чикдилар.



Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси бўйича ҳисобот берди

Таъкидланганидек, «World Economic Outlook» Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, 2016 йилда жаҳон иқтисодиёти ўртача 3,1 фоизга ошди, ташқи савдо ҳажми эса атиги 1,9 фоизга ошган бўлиб, бу эса инвестициялар ҳажмининг 2015 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 13 фоизга пасайгани билан боғлиқдир.

Ушбу шароитда, Давлат бюджети тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ ва 132 млрд сўмдан ортиқ миқдорда профицит билан ижро этилди. ЯИМнинг ўсиши 7,8 фоизни, саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми тегишinchа 6,6 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, аҳоли жон бошига реал ялпи даромадлар 11 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдори тегишinchа 15 фоизга ошди.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йил I чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш давомида депутатлар ушбу соҳадаги ишларнинг жорий ҳолатини танқидий равишда таҳлил қилдилар. Таъкидланганидек, жаҳон бозорларида конъюнктура барқарор эмаслигини ва рақобат кучайиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда инвестицияларни жалб этишда 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг сўзсиз бажарилишига биринчи даражали эътиборни қаратиш даркор.

Давлатимиз раҳбарининг парламент томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланган ташаббусига кўра Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида борадилар ва 10-12 кун мобайнида жойлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳолини ўрганадилар. Бундай амалиёт қўллаб муаммоларнинг ҳақиқий сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш имконини беради. Ўрганишлар якунларини шундан далолат берадики, уй-жой коммунал хизмат тизимидаги, транспорт ва йўл хўжалигидаги, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларини таъминлашдаги, яъни ривожлантирилиши учун Давлат бюджетининг салкам 60 фоизи сарфланадиган ижтимоий йўналишдаги камчиликлар мамлакатимиз минтақалари аҳолисини ташвишлантираётган энг долзарб масалалар ҳисобланади.

Бу борада бугунги кунда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ижро этиш мақсадида йўл-транспорт, муҳандислик-комму-

никация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилишга, соғлиқни сақлаш тизимини, таълим ва спортни такомиллаштиришга қаратилган 100 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўз навбатида, қабул қилинган қонун ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жиддий молиявий маблағлар талаб этилади.

— Фуқаролар манфаатларини таъминлаш бево-сита тадбиркорликни ривожлантиришга, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажаришга, самарали бюджет-солиқ сиёсатини юритишга, шунингдек, инвестициялар ҳажмини изчил кўпайтиришга боғлиқдир, — дейди Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Шодмонов. — Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида замонавий ишлаб чиқариш объектилари фойдаланишга топширилмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда, шу орқали, хусусан, мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражаси ва сифати ошмоқда. Бугунги мажлисга тайёргарлик давомида депутатлар жорий йилнинг 30 май куни Тошкентда бўлиб ўтган ҳамда инвестиция лойиҳалари амалга оширилишининг боришини танқидий таҳлил этиш ва баҳолашга бағишланган видеоселектор кенгашида давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларни ўрганидилар ва таҳлил қилдилар.

Мажлис давомида депутатлар вазирликлар ва идоралар билан биргаликда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, маҳаллий давлат органилари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишда халқ депутатларининг тегишли Кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш борасида олдинда турган аниқ вазифаларни белгилаб олдилар.

Мажлис якунларига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йилдаги ҳамда 2017 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати материали асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Мамлакат раҳбариятининг қарорига кўра гўшт экспорт қилинади

Президентнинг 4.05.2017 йилдаги ПФ-5034-сон Фармони билан белгиланишича, Ўзбекистон Президенти ёки Ҳукуматининг қарорига кўра илгари экспорти тақиқланган гўшт ва унинг озиқабоб қўшимча маҳсулотлари экспортига рухсат берилди.

Экспорти тақиқланган буюмлар ва маҳсулотлар рўй-хатиға тузатишлар киритилди. Натижада Президентнинг ёки Ҳукуматининг қарорига асосан гўшт ва унинг озиқабоб қўшимча маҳсулотларини (ТИФ ТН коди — 0201—0210, бундан 0207 13 990 9, 0207 14 990 9, 0210 99 800 0 кодлари бўйича товуқ оёқчалари мустасно) экспорт қилиш мумкин бўлди.

Маълумот учун: илгари мазкур тартиб фақат уй паррандаларининг озиқабоб қўшимча маҳсулотларига (0207 53 000) татбиқ этилар эди, гўшт ва унинг озиқабоб қўшимча маҳсулотларини (юқорида кўрсатиб ўтилган ТИФ ТН кодлари бўйича товуқ оёқчаларидан ташқари) экспорт қилиш тақиқланган эди.

Битирувчилар бўйича ЯИТ икки баравар камаяди

Президентнинг 24.05.2017 йилдаги ПФ-5052-сон Фармони бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, банд бўлмаган аҳолини, аynиқса, ёшларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини кучайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирилган самарали ишларни амалга оширишда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг масъулиятини тубдан кучайтиришга йўналтирилди.

Буларни амалга ошириш мақсадида Меҳнат вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги этиб қайта ташкил этилди, Вазирлик ҳамда унинг ҳудудий тузилмаларининг вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди.

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Газ ва... муаммоларни етказиб берувчилар

ХУМШ кредит олишдан воз кеча оладими?

8-БЕТ

Санитария қоидаларига риоя қилмаслик жиноий иш кўзгатилишига олиб келади

Битирувчилар бўйича ЯИТ икки барабар камаяди



Муҳим янгиликлар қуйидагилардан иборат:

➤ 1.01.2018 йилдан бошлаб касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг биринчи марта ишга жойлашган битирувчилари иш ҳақидан олинган даромадларидан ЯИТнинг ўрнатилган ставкасини, таълим муассасасини тамомлаган кундан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаганлик шарти билан, уларни ишга жойлашганликларидан кейинги бир йил ичида 50%га камайтириш. Улар ишининг 2 ва 3-йили давомида ЯИТ ставкаси 25%га камайтирилади, бюджет ташкилотлари, табиий монополиялар субъектлари, устав жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши 50%дан ортиқ бўлган ташкилотларга ишга жойлашган шахслар бундан мустасно;

➤ ходимларнинг иш жойи ва давлат ижтимоий сугуртасига тўлов қилган даври бўйича рўйхатга олишнинг «Электрон меҳнат дафтари» тизимини жорий этиш;

➤ 1.01.2019 йилдан бошлаб биринчи марта ишга жойлаштирилган ходимларга қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарчалари берилишини тўхтатиш ва меҳнат дафтарчаларидаги ёзувларни СТТР ва фуқароларнинг ШЖБПХ рақами асосида, ходимнинг иш жойи ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўловлар амалга оширилган даври бўйича ҳисобга олиш билан босқичма-босқич алмаштириб бориш;

➤ 1.01.2018 йилдан бошлаб касб-хунар коллежлари, академик лицейларнинг барча ўқувчиларини, уларнинг ҳар бирига СТТР берилган ва электрон рақамли имзони тегишли тўловни ундирмасдан берган ҳолда, солиқ тўловчи сифатида солиқ органларида рўйхатга қўйиш;

➤ 1.01.2018 йилдан бошлаб нодавлат ташкилотларга фуқароларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишга жойлаштириш соҳасида пуллик, улар томонидан фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш фаолияти амалга ошириладиган ҳолларда эса белгиланган тартибда бериладиган лицензия асосида хизматлар кўрсатиш ҳуқуқини бериш;

➤ микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларига, тегишли таълим муассасасини тамомлаган даврдан бошлаб 3 йил ичида биринчи марта ишга кираётган олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчилари билан тузиладиган меҳнат шартномаларидан ташқари, ходимларнинг розилигини олган ҳолда, муайян муддатли меҳнат шартномалари, жумладан, вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришга (муддатли меҳнат шартномалари) тузишга рухсат бериш;

➤ туман (шаҳар) бандликка қўмаклашиш марказларини сақлаб туриш харажатларини 1.01.2018 йилдан бошлаб Давлат бюджетга ҳисобдан молиялаштириш, натижада Бандликка қўмаклашиш давлат жамғарма-

сининг бўшайдиган маблағларини ишсизларни касб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишга, ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва меҳнат органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чораларни амалга оширишга йўналтириш;

➤ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида иш ташкил этишининг барча давлат хизматларини тўлиқ ҳажмда қайта қўриб чиқиш (реинжиниринг), ишга танлов асосида қабул қилиш, «ягона дарча» тамойилида давлат хизматлари кўрсатиш, меҳнат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий рағбатлантирувчи услубларини қўллаган ҳолда, самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари (KPI) асосида ходимлар меҳнатининг сифати ва самарадорлигини баҳолашнинг илгор шаклларини жорий этиш.

Вазирлик ҳузурида юридик Жамоат ишлари жамғармаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси вақтинчалик банд бўлмаган аҳолининг йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, йўл ва уй-жой коммунал инфратузилмаси объектларини қуришда, таъмирлаш ва реконструкция қилишда, шаҳар ва туманларни ободонлаштиришда, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларида иштирок этишини молиялаштириш ҳисобланади.

Республикадаги тегишли вазирлик ва идораларга Вазирлар Маҳкамасига аҳолининг ташқи меҳнат миграциясини ташкил этиш тизимини ҳамда Аҳоли ташқи меҳнат миграцияси агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар киритиш топширилди.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилиш осонлашди

Президентнинг 25.05.2017 йилдаги ПФ-5057-сон Фармони билан ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт қилиниши ва рақобатдошлигини таъминлашни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари маъқулланди.

Биринчидан, жорий йилнинг 1 июнидан хўжалик юритувчи субъектлар ўзи ишлаб чиқарган товарларни (янги мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз экинлари, шунингдек қатор хом ашё товарлари бундан мустасно) олдиндан тўловсиз,

аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномаларини сиёсий ва тижорат хавфларидан сугурта полисиз хорижий валютага экспорт қилишлари мумкин.

Бунда қуйидаги шартларга риоя қилиниши лозим:

➤ шартнома миқдори 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги керак;

➤ валюта тушушунинг товарлар ҳақиқатда экспорт қилинган кундан бошлаб 90 кун мобайнида мажбурий келиб тушиши.

Ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг кейинги экспорти экспортчи ташкилотда илгари мазкур тартибда амалга оширилган экспортга оид етказиб беришлар бўйича аввалги дебиторлик қарзи мавжуд бўлмагандагина қўрсатиб ўтилган шартларга қўра амалга оширилади.

Иккинчидан, илгари экспорт қилиш тақиқланган буюм ва маҳсулотларни энди Президентнинг ёки мамлакат Ҳукуматининг қарорларига асосан экспорт қилишга рухсат берилади.

Учинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан бериладиган лицензиялар бўйича экспорт ва импорт қилинадиган ўзига хос маҳсулотлар рўйхатидан заргарлик буюмлари чиқариб ташланади.

Пойтахтда кичик саноат зоналари ташкил этилди

Президентнинг 18.05.2017 йилдаги ПҚ-2973-сон қарори билан Тошкент шаҳрида кичик саноат зоналари ташкил этилди ва уларнинг фаолият юритиш тартиби белгиланди.

Кичик саноат зоналари тадбиркорлик субъектларига узок муддатли 10 йиллик ижарага, кейинчалик худди шундай муддатга узайтириш имконияти билан (лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги қелишувларни

бажариш ҳамда барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш шарти билан) бериладиган махсус ажратилган ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкаларида тузилади.

Бунда ижара тўловининг қуйидаги имтиёзли ставкалари белгиланган:



ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 6 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	2884,94	1 Малайзия рингити	908,33
1 Англия фунт стерлинги	4984,91	1 Польша злотийси	1043,58
1 Дания кронаси	586,93	1 СДР	5359,61
1 БАА дирҳами	1054,88	1 Туркия лираси	1104,97
1 АҚШ доллари	3874,48	1 Швейцария франки	4019,59
1 Миср фунти	214,30	1 ЕВРО	4336,24
1 Исландия кронаси	39,75	10 Жанубий Корея вон	34,65
1 Канада доллари	2874,25	10 Япония иенаси	350,44
1 Хитой юани	569,57	1 Россия рубли	68,35
		1 Украина гривнаси	147,43

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўзиб қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҲҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курс	бирлиги	курс	бирлиги	курс
Озарбайжон	5.06.2017	1	1,7021	1	1,9177	1	0,0301
Арманистон	5.06.2017	1	482,19	1	543,19	1	8,52
Беларусь	6.06.2017	1	1,8650	1	2,1012	100	3,2948
Грузия	5.06.2017	1	2,4253	1	2,7205	100	4,2785
Қозоғистон	5.06.2017	1	313,17	1	351,28	1	5,52
Қирғизистон	6.06.2017	1	68,2422	1	76,9158	1	1,2054
Молдова	5.06.2017	1	18,2578	1	20,4817	1	0,3223
Россия	6.06.2017	1	56,8152	1	63,8110	—	—
Тожикистон	6.06.2017	1	8,8200	1	9,9172	1	0,1534
Туркменистон	6.06.2017	1	3,5000	1	3,9424	100	6,1929
Украина	6.06.2017	100	2 628,0938	100	2 947,9328	10	4,6361

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

УШБУ СОНДА	• ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА	– Валюталар курси
	– Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси бўйича ҳисобот берди	1-2, 7-бетлар
• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР	– БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ	• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ
	– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз	– Газчилар билан муносабатларда 22 ихтилофли вазият
		– ХУМШни ёлпасига кредитлаш
		– Реал жавобгарлик – виртуал участка

– Лифтдан фойдаланмасам ҳам, ҳақини тўлайман	3-6-бетлар
• КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ ЁН ДАФТАРИДАН	8-бет
– Таомнинг ҳаммаси ҳам фойдали бўлавермайди	

ХИЗМАТЛАР
Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.
Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

ЭЪЛОНЛАР

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига қўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



МУНДАРИЖА:

✓ Газчилар билан муносабатларда 22 ихтилофли вазият

✓ ХУМШни ёппасига кредитлаш

✓ Реал жавобгарлик – виртуал участка

✓ Лифтдан фойдаланмасам ҳам, ҳақини тўлайман



Долзарб мавзу

Газчилар билан муносабатларда 22 ихтилофли вазият

Газ етказиб берувчилар қонунни четлаб ўтиб, асоссиз тўлов ҳисоблаб ёзишлари мумкин. Бу қандай ҳолларда юз беришини кўриб чиқамиз.

1 Истеъмолчиларни газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш оралиги ўтаётганлиги ва текширувни белгиланган муддатларда ўтказиш зарурати ҳақида ўз вақтида хабардор қилмаслик.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Тегишли ҳудуддаги газ таъминоти корхонаси (бундан кейин – тумангаз) газни ҳисобга олиш приборини даврий текширувдан ўтказишнинг амал қилиш муддати тугашидан 30 кун олдин истеъмолчини газни ҳисобга олиш приборини даврий текширувдан ўтказиш зарурлиги ҳақида истеъмолчиларнинг ўз вақтида огоҳлантирилиши учун масъулдир (АВ томонидан 30.07.2014 йилда 2604-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 5-банди, бундан кейин – 2604-сон Низом).

Етказиб берувчи текширувдан ўтказиш муддати тугашидан камида 1 ой олдин газни ҳисобга олиш приборини давлат текширувидан ўтказиш ҳақида чакана истеъ-

молчини ёзма кўринишда олдиндан хабардор қилиши, шунингдек ундан ўтиш тартибини тушунтириши шарт (Шартноманинг 4.4-банди, бундан кейин – Шартнома).

2 Газ таъминоти корхонаси ходими истеъмолчининг газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш учун ечишни сўраб ёзган аризасига муносабат билдирмайди.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Тумангаз мутахассиси истеъмолчи ариза бергандан сўнг 5 иш куни ичида газни ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказиш учун истеъмолчи иштирокида ечиб опади (2604-сон Низомнинг 9-банди).

Етказиб берувчи истеъмолчининг талабномасига кўра белгиланган тартибда давлат текширувидан ўтказиш учун газни ҳисобга олиш приборини ечиб олиши, ўрнатиши ва буни тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириши шарт (Шартноманинг 4.4-банди).



*Тахририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмаклашишга вақолатли эмас.

Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

3 Текширувдан ўтказмаганлиги учун истеъмолчини газ тармоғидан узиб қўйиши.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Қонун ҳужжатларида ўз вақтида текширувдан ўтказмаганлиги учун истеъмолчини газ тармоғидан узиб қўйиш назарда тутилмаган.

Қуйидаги ҳолларда газ етказиб беришни чеклашга йўл қўйилади:

➤ яқка тартибдаги меҳнат фаолиятида (ЯТМФ) фойдаланиладиган автоном сув иситкичлар ва тандирлар учун қозонлар, овқат пишириладиган қозонлардан иссиқхоналар ва оранжереяларни иситиш учун газдан фойдаланилганда, шунингдек ЯТМФ билан боғлиқ бошқа мақсадларда табиий газдан фойдаланилганда. Газдан кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда тартибга солинади;

➤ етказиб берувчининг тегишли билдиришномаси олингандан кейин 10 кун ичида етказиб берилган газ учун қарз туланмаганда;

➤ авария ҳолатини ва ҳаёт учун таҳдидни юзага келтираётган газдан фойдаланиш ускунаси қоникқарсиз аҳволда бўлганда;

➤ таъмирлаш ишлари ўтказилганда, авариялар ёки бошқа форс-мажор ҳолатлар юзага келганда (Шартноманинг II бўлими). Абонент фойдаланган газ ҳақини тўламаганлиги муносабати билан, башарти етказиб берувчи газ етказиб бериш шартномасини ижро этишдан бош тортганидан камиди бир ой олдин абонентни огоҳлантирган бўлса, шартномани ижро этишдан бир томонлама тартибда бош тортиши мумкин (АВ томонидан 14.10.1997 йилда 370-сон билан рўйхатдан ўтказилган Қоидаларнинг 15.4-банди, бундан кейин – Қоидалар).

4 Истеъмолчи газ таъминоти ташкилоти ходимига текширувдан ўтказилганлик тўғрисида сертификатни ўз вақтида топширган бўлса ҳам, тумангаз маълумотлар базасида ҳисобга олиш прибори текширувдан ўтказилганлиги ҳақидаги ахборотнинг йўқлиги.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Тумангаз ходими ҳисобга олиш приборини ўрнатгандан олдин унинг текширувдан ўтказилганлиги ҳақидаги сертификатнинг мавжудлиги ва пломбаларининг бутлигини тек-

ширади. Истеъмолчи унга газни ҳисобга олиш приборининг текширувдан ўтказилганлиги ҳақидаги сертификат нусхасини тақдим қилиши лозим (2604-сон Низомнинг 27-банди). Яъни маълумотлар базасига текширув ҳақида ахборот бериш – тумангаз вакилининг иши. Истеъмолчи тумангаз вакилига текширувдан ўтказилганлик ҳақидаги сертификатни тилхат олиб топшириши тўғрисида 2604-сон Низомга қўшимча киритиш мақсадаги мурофий қилири.

Тумангаз ходими газни ҳисобга олиш приборини ўрнатгандан сўнг, истеъмолчини газ тармоғига улаш штурцерларини пломбалайди ва 2604-сон Низомнинг 2-илловасига мурофий шаклда 2 нусхада далолатнома тузади ҳамда далолатноманинг 1 нусхасини истеъмолчига беради (2604-сон Низомнинг 28-банди). Яъни далолатнома ҳисобга олиш прибори текширувдан ўтказилгандан кейин ўрнатилганлиги далилини тасдиқлайди.

Етказиб берувчи шу жумладан охириги текширув саналари, навбатдаги текширувдан ўтиш муддатлари ҳақида огоҳлантириш, етказиб берувчининг вакили ҳисобга олиш приборини таъмирлашнинг тўғрисида далолатномани кўрсатган ҳолда ҳар бир чакана истеъмолчига шахсий сўт очади (Шартноманинг 6.8-банди).

5 Ҳисобга олиш приборини визуал кўздан кечириш асосида носоз деб топиш.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Етказиб берувчида қарзни ҳисоблаб ёзиш учун салмоқли асос бўлиши керак.

Давлат метрология хизмати вакили бундан ҳужжатлар билан тасдиқлаган ҳолда ҳисобга олиш приборининг техник ҳолати тўғрисида хулоса бериши керак. Ушбу тартиб Шартномада ҳам, Қоидаларда ҳам акс эттирилмаган ва ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқишни талаб қилади.

6 Ҳисобга олиш приборини визуал кўздан кечириш асосида носоз деб топиш ва унинг ишлаши назоратчилар даъвосига сабабчи бўлмаган ўтган давр учун тўлов ҳисоблаб ёзиш.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Шартномада ва Қоидаларда ҳисоблаб ёзиш даври ва миқдорини белгилашга асос бўлувчи етказиб берувчининг айланиб чиқиш вақтида ҳисобга олиш приборининг техник ҳолатини далолатнома тузиб тасдиқлаш, айланиб чиққанлиги далилини журналда қайд этиш мажбуриятини белгилловчи норма мавжуд эмас. Бундан абонент далолатнома ва айланиб чиқиш дафтарини имзолаши керак, ушбу далолатнома ва дафтардаги ёзув ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Ушбу қўшимчаларни Шартномага киритиш зарур.

7 Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларини солиштириш ва унинг техник ҳолатини назорат қилиш мақсадида айланиб чиқиш даврийлиги белгиланмаган.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Шартноманинг 4.3–4.4-бандлари, шунингдек Қоидаларда етказиб берувчининг истеъмолчи газ ускунаси техник ҳолатини мунтазам кўздан кечириш ҳуқуқи белгиланган. Бироқ Шартнома ва Қоидаларда газ истеъмолчини ҳисобга олиш



Мавзуйий сонни махсус муҳбиримиз Ириша Гребенюк олиб боради.

прибори ҳолатини назорат қилиш ва унинг кўрсаткичларини солиштириш мақсадида **айланиб чиқиш даврийлигини белгилловчи норма мавжуд эмас**. Ахир ҳисобланмалар миқдори шунга боғлиқ-ку.

8 **Етказиб берувчига тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда оила таркиби ўзгаргани тўғрисидаги ахбороти маълумотлар базасига киритмаслик (ёки ундан чиқариб ташлаш).** Натижада бир неча йилдан кейин абонентга катта миқдорда сохта қарз ҳисоблаб ёзишлари мумкин.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Шартноманинг 4.2-бандида назарда тутилишича, оила аъзолари таркиби ўзгарганда (тутилганлик, вафот этганлик, ҳарбий хизматга чақирилганлик ва ҳ.к.) ёки узоқ вақт бўлмаганда (хорижга чиқиш, хизмат сафари ва ҳ.к.) истеъмолчи газ таъминоти корхонасининг ҳисоб-китоб бўлимини бир ой ичида хабардор қилиши; тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши, яшаш жойи ўзгарганда эса – уни газ тармоғидан узиб қўйиш ҳақида ёзма ариза бериши керак. Кўрсатилган талаблар узрсиз сабабга кўра бажарилмаганда қайта ҳисоб-китоб қилинмайди ва исботлаш юки истеъмолчи зиммасига юклатилади.

Бирок қўпича оила таркиби ўзгарганини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқотилади, бунга газ таъминоти ташкилоти ходимларининг мансабига совуққонлик билан қараш деб баҳолаш мумкин. **Етказиб берувчига** оила таркиби ўзгарганини тасдиқловчи ҳужжатларни тилхат олиб, 2 нусхада беришни назарда тутувчи қўшимчани Шартномага киритиш таклиф этилади.

9 **Газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозланмаган квартираларда ҳақиқатда яшовчи фуқароларни самарали ҳисобга олиш тизимининг йўқлиги.** Қўпича бу қўшнлардан сўраб-суриштириш орқали амалга оширилади, уларнинг ахборотига асосланиб қарз ҳисоблаб ёзилади.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Кўп ҳолларда асосан рўйхатдан ўтмасдан, квартира эгаси билан шартнома тузмасдан яшовчи ижарачилар муаммо туғдирадилар. Шу сабабли яшовчиларнинг ҳақиқий сонини аниқлаштириш мушкул. Ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозланмаган квартираларда ҳисобга олинмаган истеъмолчилар етказиб берувчи салмоқли газ йўқотишига олиб келади. Шартноманинг 4.2-бандида оила аъзолари таркиби ўзгарганда етказиб берувчига маълумотларни зудлик билан тақдим этиш назарда тутилган.

Ҳисобга олинмаган истеъмолчиларни фош этиш бўйича мониторинглар кам ўтказилади. Баъзан маълумотлар ҳақиқатдаги ҳолатдан хабардор бўлмаган қўшнларнинг гапига асосланиб шакллантирилади, бироқ у асоссиз қарз ҳисоблаб ёзилишига олиб келади. Айрим ҳолларда ҳақиқатга тўғри келмайдиган яшовчилар сонини қўшиб ёзишга асосланиб, қарз шакллантирилади.

10 **Ўтган анча давр (5–10 йил) учун сохта қарз ҳисоблаб ёзиш.**

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Давлат ва хусусий уй-жой фондларида кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар тўлаш ўтган ой-

дан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмай ҳар ойда амалга оширилиши керак. Давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги жойларнинг мулкдорларига, ижарага, арендага олувчиларига коммунал хизматлар кўрсатиш мажбурий тўловлар 3 ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб турилади (*УЖКнинг 134-моддаси*).

Абонент истеъмол қилган газ ҳақини ҳар ой тугагандан кейин 10 кун ичида тўлаши керак (*Шартноманинг 6.2-банди*). Белгиланган муддатда ҳақ тўланмаган тақдирда етказиб берувчи истеъмолчини 10 кун муддатда уни тўлаш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириши шарт (*Шартноманинг 6.3-банди*). Истеъмолчи огоҳлантириш олгандан кейин 10 кун ичида етказиб берилган газ қийматини тўламагандан газ таъминоти тармоғидан узиб қўйилади. Бундан кейин қарз суд тартибидида ундирилади (*Шартноманинг 6.4-банди*).

Худди шу талаблар Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низоми (*Низомнинг II бўлими, ВМнинг 26.05.2005 йилдаги 132-сон қарорига 1-қилова*) билан белгиланган.

Етказиб берувчининг ҳақ тўлаш тўғрисида талабнома бермаслиги ёки ўз вақтида бермаслигини мансабига совуққонлик билан қараш деб ҳисоблаш мумкин.

Мансабга совуққонлик билан қараш – мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, ЭКИХнинг 100 бараваригача миқдорда жазима ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади (*ЖКнинг 207-моддаси*).

11 **5–6 йилги қвитанцияларни талаб қилиш. Уларнинг қайси биридир бўлмаганда бу давр учун ҳисобланма ёзишлари мумкин.**

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Абонентнинг газ ҳақи тўланганлиги ҳақидаги қвитанцияни сақлаш муддати қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган. ФКнинг 150-моддасига мувофиқ, шахс поймол бўлган ҳуқуқини даъво тақдим этиш йўли билан ҳимоялаши мумкин бўлган умумий даъво муддати 3 йилни ташкил этади.

12 **Истеъмолчиларни ҳисобланмалар ҳақида олдидан хабардор қилмай, қарз сунъий равишда ҳосил қилинганлигини исботлаш имконини қолдирмай, суд буйруқлари асосида сохта қарзни ундириш.**

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Агар талаб ёзма битимга асосланган ва жавобгар томонидан тан олинган бўлса, суд буйруғи чиқарилади (*ФПКнинг 238-2-моддаси*). Ушбу нормадан келиб чиқишича, қарздор қарз юзасидан талаблар мавжудлиги ҳақида хабардор қилинган бўлиши ва судга ариза берилгунча уни тасдиқлаши (тан олиши) керак.

Суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан 10 кунлик муддат ичида қарздор арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли (*ФПКнинг 238-9-моддаси*).

13 Етказиб берувчи узоқ танаффус ва кам босим билан газ етказиб берганда қайта ҳисоб-китоб қилишдан бош тортиши.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Етказиб берувчи Шартномада кўрсатилган шартларга мувофиқ белгиланган сифатдаги газ барқарор етказиб берилишини таъминлаши шарт (*Шартноманинг 4.4-банди*).

Етказиб берувчи тарафларнинг келишувига кўра газ етказиб беришда танаффус қилиниши, етказиб бериш тўхта-тилиши ёки чекланишига йўл қўйишга ҳақли. Газ таъминоти ташкилоти абонентни бу ҳақда огоҳлантириши шарт.

Газ таъминоти ташкилоти тизимидаги авариянинг олдини олиш ёки тугатиш бўйича шошилинч чоралар кўриш зарурати юзага келганда абонент билан келишмасдан ва уни огоҳлан-тирмасдан, бироқ уни дарҳол хабардор қилган ҳолда газ ет-казиб беришда танаффус қилиш, етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклашга йўл қўйилади (*Қоидаларнинг 15.5-банди*).

Етказиб берувчи қуйидаги ҳолларда қарз сўндирилгунга қадар ёки аниқланган қойдабузарликлар бартараф этилгунга қадар газ етказиб беришни олдиндан огоҳлантирмай туриб тўхтатишга ҳақли:

а) уйга (квартира, боғ уйи, бошқа хоналарга) ўзбошимчалик билан газ ўтказилганда;

б) газ ўтказилган хоналар ўзбошимчалик билан қайта ре-жаштирилганда, газ ускуналари қайта ўрнатилганда;

в) авария хавфини ҳамда газдан фойдаланувчиларнинг соғлиги ва ҳаётига таҳдид туғдирувчи газ ускуналари ва уй ичидagi газ тармоқлари қоникарсиз аҳволда бўлганда;

г) мўрилар, вентиляция каналлар созлиги ҳақида дало-латномалар ўз вақтида тақдим этилмаганда, ертўла хоналари ва турар жойларнинг ертўлаларига бошқа коммуникациялар кириш йўллари герметизацияланмаганда;

д) қўшимча газ приборлари ўзбошимчалик билан ўрнатил-ганда (*Қоидаларнинг 15.6-банди*).

Етказиб берувчи шартномавий ҳажмдан паст даражада газ етказиб бериши ёки тўлиқ етказиб бермаганлиги натижа-сида истеъмолчига зарар етказса, етказилган реал зарарни қоплайди (*Шартноманинг 8.1-банди*).

Газ шартномавий ҳажмлардан паст даражада етказиб бе-рилганда етказиб берувчи муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун шартномавий мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,4%, бироқ етказиб берилган газ қийматининг 50%идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди (*Шартноманинг 8.2-банди*).

14 Ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтқа-зишда ечиб олганлик-ўрнатганлик учун тўлов ундириши.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

2604-сон Низом ва Шартномада ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказишда ечиб олганлик-ўрнатганлик учун тўлов ундириш назарда тутилмаган.

15 Баъзан фирибгарлар ўзларини тумангаз ходим-ларимиз деб таништирадилар.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Мавзуйий сонни махсус мухбиримиз **Ирина Гребенюк** олиб боради.



Тумангаз ходимлари турар жойлардаги газ қувурлари ва газ ускуналарини кўздан кечириш ва таъмирлаш чоғида **хизмат гувоҳ-номасини тақдим этишлари шарт** (*Қоидаларнинг 17.8-банди*).

16 Назоратчининг мансаб ваколатларини ошириши, тов-ламачилик қилиши, масъулиятсизлиги. Тумангаз ва-киллари ҳақиқий ёки қалбаки қойдабузарликларни фож этиб, баъзан истеъмолчига «келишмиш» таклиф қиладилар.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Бундай хатти-ҳаракатлар 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади (*ЖКнинг 165-моддаси*).

17 Квартирани сотиб олаётганда аввалги мулк-дорнинг газ истеъмоли учун ёхуд ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказмаганлиги учун қарзи юзага чиқиши мумкин. Тумангаз уни қоплаш учун жавобгарлик-ни янги мулкдор зиммасига юклайди.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Қоидалар, шунингдек Шартномада турар жой мулкдори алмашганда янги квартира соҳиби учун регламент белгилан-маган. Шартноманинг 4.2-бандида истеъмолчи яшаш жойини ўзгартирганда бу ҳақдаги маълумотларни етказиб берувчига дарҳол тақдим этиши назарда тутилган, холос.

Маъжур вазиятда ҳам абонент газ истеъмоли ҳақини тўла-маганда Шартноманинг регламентни белгилувчи талаблари амал қиладди (*юқоридаги 10-бандга қarang*).

Агар етказиб берувчи квартиранинг аввалги соҳибига мав-жуд қарзни тўлаш ҳақидаги талабномани ўз вақтида бермаган бўлса, демак, у белгиланган қонун ҳужжатларини бузган.

18 Етказиб берувчи ўтган узоқ давр учун (10 йилгача) ҳисобланмаларни ёзиши мумкин.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Қуйидаги ҳолларда етказиб берувчилар истеъмолчига ҳи-собланмалар ёзиши мумкин бўлган давр белгиланмаган:

1) текширувлар оралиги доирасида ҳисобга олиш прибо-рининг носозлиги аниқланганда;

2) ҳисобга олиш приборини текширувдан ўтказмаётган вақтда унинг носозлиги аниқланганда;

3) маълумотлар базасида қуйидагилар ҳақида ахборот йўқлиги аниқланганда:

газни ҳисобга олиш прибори текширувдан ўтказилганлиги; яшовчилар сони ўзгаргани;

4) текширув ўз вақтида ўтказилмаганлиги.

19 Газ ускунасини тафтиш ва профилактик кўриқдан ўтказишда ноҳақ йигим ундириш.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Кўрсатилган хизматлар ҳақи қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган прейскурантларга кўра тўланиши керак (*Шартноманинг 4.4-банди*).

Ушбу қоидага риоя этмаслик товламачилик деб тан олинishi ва ЖКнинг 165-моддасига мувофиқ жазоланиши мумкин.

20 Кўп йил аввал истеъмолчининг ўзи ёки илгариги квартира соҳиблари газ плитасини балконга олиб чиққанлиги учун жарима солиш.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Приборларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, янгиларини, мавжудларини ва тумангаз томонидан ўчирилганларини улаш Қоидаларни бузиш ҳисобланади (*Қоидаларнинг 28-банди*).

Бошқа газ приборлари мавжуд бўлмаганда турар жойлардаги тармоққа уланган газда ишловчи газ плиталарига техник хизмат кўрсатиш (уларни тафтишдан ўтказиш) 2 йилда 1 марта амалга оширилиши керак (*Қоидаларнинг 14.12-банди; Шартноманинг 4.4-банди*).

Турар жойларда газ таъминоти тизими ҳолатини текшириш газ таъминоти ташкилотининг мажбурияти ҳисобланади (*Қоидаларнинг 14.10-банди*).

21 Нотариусга тақдим этиш мақсадида қарз йўқлиги ҳақида маълумотнома бераётганда етказиб берувчининг газни ҳисобга олиш приборини ўрнатишни талаб қилиши.

Етказиб берувчининг жавобгарлиги:

Қонун ҳужжатларида нотариал идорага қарз йўқлиги ҳақида маълумотнома бераётганда етказиб берувчининг газни ҳисобга олиш приборини ўрнатиш ҳақидаги талаби назарда тутилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг 28.03.2002 йилдаги 99-сон қарори билан 2005 йил 1 сентябрдан бошлаб газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозланмаган квартиралар ва яқна тартибдаги уйларга газ етказиб бермаслик белгиланган.

Бироқ Президентнинг 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2907-сон қарорининг 5-бандида белгиланишича, маиший истеъмолчиларга табиий газни ҳисоблаб замонавий электрон ускуналарини харид қилиш ва ўрнатиш «Ўзтрансгаз» АҚнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, кейинчалик табиий газни ҳисоблаб ускуналарни қийматини маиший истеъмолчилар 1 йил ичида тўлайдилар.

Айни пайтда етказиб берувчи истеъмолчиларни газни ҳисобга олиш приборлари билан таъминлаш имконига эга эмас. Шундан келиб чиқилса, нотариусга маълумотнома тақдим этишда газни ҳисобга олиш приборини ўрнатишни талаб қилиш ҳуқуққа зид.

Тахририятдан. Мақолада келтирилган вазиятлар рўйхатини тўлиқ деб бўлмайти. Тажрибанинг кўрсатишича, истеъмолчилар, яъни сиз билан биз, қадрли ўқувчилар, ўзимизнинг ҳақлигимизни ва газ хизматининг ҳисобланмалари асоссизлигини жуда кўп исботлашимизга тўғри келади.

Азар сиз шунга ўхшаш вазиятга тўқнаш келган бўлсангиз, gazeta@norma.uz электрон почтасига хат ёзинг. Экспертларимиз истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳам, етказиб берувчининг жавобгарлигини ҳам тушунтириб берадилар.

22 Истеъмолчилар ва газ етказиб берувчиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг тақомиллашмаганлиги.

Истеъмолчилар ва газни етказиб берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга тааллуқли бир қатор норматив ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, замонавий шароитларни ҳисобга олган ҳолда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати аллақачон етилган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маиший газдан фойдаланиш қоидалари ҳамда Шартнома истеъмолчи учун асосий ҳужжатлар бўлиб қолмоқда. Қоидалар 20 йил аввал – 1997 йилда тасдиқланган. Шубҳасиз, улар эскирган, соҳада улкан ўзгаришлар юз берган, ҳужжатлар эса шу муносабат билан тарафларнинг ўзаро муносабатларининг барча жиҳатларини ҳисобга олмайди. Масалан, Қоидаларда газни ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш зарурати ва улардан фойдаланиш ҳақида биронта сўз айтилмаган. **Шартномада ҳам, Қоидаларда ҳам ўта муҳим саволга жавоб йўқ: истеъмолчи Шартноманинг турли хил талабларини бузганда етказиб берувчи ҳисобланма қилиш учун қайси даврни олиши керак.** Яшовчилар сонини мониторинг қилишнинг аниқ механизми йўқ. Тарафларнинг ўзаро муносабатлари амалиёти газ таъминоти ташкилотлари ходимлари қонун ҳужжатларини бузганлиги, йўл қўядиган турли суиистеъмолликлари учун жавобгарлиқни кучайтиришни талаб қилмоқда.

Барча коммунал хизматлар етказиб берувчилари учун ҳисобга олиш приборларини текширувдан ўтказиш хизматларини кўрсатувчи ягона марказни ташкиллаштириш йўли билан ҳисобга олиш приборлари текширувини «ягона дарча» орқали ўтказиш механизми шу билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиши мумкин эди. Истеъмолчида уни мустақил равишда ўтказиш ёхуд ягона марказга мурожаат қилиш йўлини талаш имкони бўлар эди. Бу текширув ҳақидаги маълумотларни базага киритмаслик муаммосини бартараф этишда кўмак берад, ўтказилганлиги ҳақидаги сертификат нусхасини «ягона дарча» ёки Ўстандарт лабораторияси ходимлари истеъмолчининг иштирокисиз тўғридан-тўғри тумангазга тақдим этишлари мумкин бўлар эди.

Ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш ва яшовчиларни мониторингдан ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш яшовчиларни реал ҳисобга олиш муаммосини ҳал этиш имконини беради. ТИИБ ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари билан биргаликда, тегишли ҳужжатларни албатта тузган ҳолда уларнинг сон ва аниқлаштирилиши лозим.

Етказиб берувчилар истеъмолчиларга ҳеч нима билан асосланмаган (шу жумладан нореал) кўп йиллик ҳисобланмаларни ёзаётганликларини инобатга олган ҳолда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга ижрочи (сотувчи) истеъмолчига ёзма кўрунишда ундан шахсан тилхат олган ҳолда топширилаётган талабнома-ни тақдим этиш пайтидан 3 йилдан ортиқ бўлмаган давр учун товарлар (хизматлар) ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақлилиги ҳақида қўшимча киритишни таклиф этамиз.

ХУМШни ёппасига кредитлаш

Сўнгги пайтда ижтимоий тармоқларда ширкатларни капитал таъмирлаш учун кредитлар олишга зўрлаётганлари ҳақидаги гап-сўзлар кўпайиб кетди. Уларга қандай турдаги ишларга қанча миқдорда қарз маблағлари олишни буюраётганликларини ёзмоқдалар. Қайси пудратчи билан шартнома тузиш ва материалларни қаердан сотиб олишни кўрсатаётган эмишлар. Ширкатлар учун том, ертўла, электр ҳўжалиги биринчи навбатдаги ишлар бўлса-да кўпинча видеокузатув камералари, пластик ромлар ўрнатиш, ҳудудни (дарвоқе, кадастр билан ХУМШга бириктирилмаган) бетонлаш устувор вазибаларни четга суриб қўяди. Баъзан кредит олиш таклифига рад жавоби берилганда ХУМШга босим ўтказила бошлайди. Буларнинг бари – қонун ҳужжатларини бузиш, унинг фаолиятига қўпол аралашш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ХУМШ билан ўзаро муносабатлари ширкатнинг ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи, уй-жой мулкдорлари ўзини ўзи бошқаришининг ҳақиқий институти сифатидаги мақомидан келиб чиқиб, ортиқча йўл-йўриқлар кўрсатмаган ҳолда ташкил этилиши белгиланган («Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси, бундан кейин – ХУМШ тўғрисидаги Қонун).

Айни пайтда давлат ширкатларнинг ва ширкат аъзоларининг ҳуқуқлари таъминлини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, ХУМШнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига қўмаклашади (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 7-моддаси). Агар ширкатдаги уйлар таъмирталаб бўлса, давлат ҳокимияти органлари вакиллари кредит ёрдамида уйни тартибга келтиришни уй аҳлига тавсия қилишга, тушунтиришга, уларни бу ҳақда хабардор қилишга ҳақли. Бироқ

бунда ўз ваколатларини оширмасликлари лозим.

Амалиётда айрим ХУМШ қарз маблағларидан фаол фойдаланадилар, бу уларга уйларини муваффақият билан тартибга келтириш имконини беради. Улар қийинчиликсиз кредитларни сўндирадилар ва ҳатто уларни муддатидан олдин тўлайдилар. Булар умумий мулкни сақлаш иши яхши ташкиллаштирилган, уй аҳли эса бадалларни ўз вақтида тўлайдиган ширкатлардир. Моҳиятан олганда, бундай ХУМШ кредитдан бош тортишлари ва ўз маблағлари ҳисобига капитал таъмирлаш ишларини бажаришлари мумкин. Бироқ бунинг учун маблағ тўплашга вақт кетади. Улар учун кредит – уйдаги муаммонинг тезкор ечими.

Бошқа ширкатларда шундай қилдилар ҳам: маблағ тўплаб, капитал таъмирлашни ўз кучлари билан, кредитсиз бажарадилар. Учунчиларида – уйлар ташландиқ аҳволда, бадаллар ўз вақтида тўланмайди. Бироқ қайтариш ҳақида ҳам чекмай, бирин-кетин кредит оладилар.

Бунда кўпинча ширкат аъзоларини қарз маблағлари ҳақида хабардор қилмайдилар, шу сабабли ихтилофлар юзага келади. Айрим ХУМШда уй аҳли етарлича ахборотга эга эмаслиги боис кредитдан бош тортади. Шу сабабли қарз маблағларини олишдаги афзалликлар, эҳтимолий таваккалчилик ҳақида уларга тушунтириш бериш муҳим. Кредитни расмийлаштиришдан олдин ХУМШ қарзларини қисқартириш ишини олиб бориш лозим.

Агар ширкат кредитсиз уйни тартибга келтирса, унга эса қарз олишни тавсия этсалар, у ўз кучи ва имкониятларини чамалаб кўриши даркор. Қарз маблағларидан бош тортганда бунга ёзма равишда асослаши, капитал таъмирлаш доирасида қанча ҳажмдаги ишларни бажарганлигини, қайси маблағлар ҳисобига яна қандай ишларни бажаришни мўлжаллаётганлигини, молиявий имкониятлари қандайлигини кўрсатиши мумкин.

ХУМШга яққол босим ўтказилганда у прокуратурага мурожаат этишга ҳақли.

ХУМШ аъзолари кредит олиш ва ўзлаштиришда қандай қоидабузарликларга тўқнаш келишлари мумкин

1. ХУМШ раҳбари ширкат аъзоларининг фикрини инобатга олмай, кредит олиш ҳақида қарор қабул қилади.

2. Банк, солиқ органлари, ҳокимлик, бошқа тузилмалар вакиллари ширкатларни кредит олишга мажбурлайдилар.

Қарз маблағлари олиш, шу жумладан, банк кредитлари олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг ваколатларига киради (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддаси).

Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатига киришган масалалар бўйича қарор, агар ХУМШ аъзоларининг 50%идан кўпи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 22-моддаси). Сиртдан овоз бериш, квартира-квартира сўров ўтказиш йўли билан қарор қабул қилишга йўл қўйилади.

ХУМШ кредит олиш учун тақдим этадиган ҳужжатлар орасида уй-жой мулкдорлари йиғилишининг уни олиш зарурлиги ҳақидаги баённомаси албатта бўлиши керак (АВ томонидан 18.04.2002 йилда 1126-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 8-банди).

3. Ширкатларга қандай мақсадларга (устувор вазибаларни инобатга олмай) ва қанча миқдорда кредит олиш ҳақида кўрсатма берадилар.

ХУМШга кредитлар қуйидаги мақсадларга ажратилади:

➤ турар жойларнинг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиладиган жойларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирини амалга оширишга;

➤ жорий ва капитал таъмирлашни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник захираларни, жиҳозлар ва ускуналарни сотиб олишга (Низомнинг 4-банди).

Бироқ аниқ вазиятда ХУМШ аъзолари уларга бошқарув тақдим этган асосланмага (смета, қарз маблағларини сўндириш жадвали ва ҳ.к.) кўра қандай мақсадлар учун қанча миқдорда банк кредити олиш ҳақидаги қарорни умумий йиғилишда қабул қиладилар.

4. Кредит олиш учун ширкат капитал таъмирлашни молиялаштириш сметасини оширади.

Низомда банк вакиллари сметани дастлабки экспертизадан ўтказишни назарда тутилмаган. Ҳажмларни оширишга (бу ХУМШ аъзолари гарданига тушади) йўл қўймаслик учун капитал таъмирлаш сметаси ҳисоб-китобини ХУМШ бошқаруви назорат қилиши лозим.

5. Ширкатни материаллар сотиб олиш учун муайян пудратчини ёллашга мажбурлайдилар.

Ширкат бошқаруви уй-жой фондида хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш ишлари танлов асосида тузилган шартномаларга мувофиқ ташкил этилиши учун ХУМШ аъзолари олдида жавобгардир.

Пудратчиларни танлов асосида танлаган ҳолда умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш учун буюртмачи вазифаларини бажариш ширкат ваколатига киради (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддаси).

Кредит олишда пудрат ташкилотини танлаш танлов савдолари (тендер) натижалари бўйича амалга оширилади (Низомнинг 16-банди).

Ширкатга капитал таъмирлашни бажариш учун пудратчини тавсия этишлари мумкин, бироқ якуний қарорни ХУМШ қабул қилади.

6. Аъзоларининг бадалларни тўлаш юзасидан қарзи катта бўлган, раҳбарлари шубҳа уйғотувчи, кредитга ноқобил ХУМШга қарз маблағларини бериш.

Кредит бериш ҳақида қарор қабул қилишда банк миқозининг кредитни қайтара олиш қобилияти билан бир қаторда, ХУМШ раҳбарининг обрўсини (олдинги иш жойлари, малакаси, илгари олинган кредитлар ўз вақтида қайтарилишини

таъминланглигини ва ҳ.к.) эътиборга олади (Низомнинг 13-банди).

7. Қарз маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик.

Кредит ходимлари амалга ошириладиган тўловларнинг мақсадли йўналишини қатъий назорат қилиб боришлари лозим (Низомнинг 15-банди).

Тижорат банклари кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида доимий мониторингнинг амалга ошириб борадилар. Мониторинг жараёнида миқознинг ҳўжалик-молиявий фаолияти таҳлил қилинади. Банк қарз олувчининг кредитга лаёқатлиги бўйича доимий мониторингнинг амалга оширилади. Кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланилиши кредит шартномасида жойида ўрганилади.

Капитал таъмирлаш ва бошқа ободонлаштириш ишларини молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича, амалга ошириладиган мониторинг жараёнида банк кредитланган объектда бажарилган ишлар ҳажмининг назорат ўлчовини кредит шартномасида белгилаб қўйилган шартлар ва муддатларда амалга оширилади (Низомнинг 19-банди).

Кредит шартномасида кредитдан мақсадга мувофиқ фойдаланмаганлик учун, шу жумладан, бажарилган ишлар ҳажмини ошириб кўрсатилганлиги учун, жарима санкциялари кўзда тутилган бўлиши керак (Низомнинг 20-банди).

8. Кредит ҳисобига ишларни сифатсиз бажариш.

ХУМШ бошқаруви таъмирлаш ишларининг сифатли бўлиши ҳамда ўз вақтида бажарилиши учун жавобгардир (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддаси).

Пудрат ташкилоти шартномага мувофиқ бажариладиган ишлар сифати учун жавоб беради.

Банк кредитдан самарали фойдаланилаётганини ўрганади (Низомнинг 20-банди).

Айрим ширкатларда кредит маблағлари ҳисобига капитал таъмирлаш ўтказилаётганда ХУМШ аъзоларининг фаоллари орасидан таъмирлаш ишларининг боришини назорат қилувчи комиссиялар тузилади. Улар пудрат ташкилотларининг иш сифатини назорат қиладилар.



Менга сўз беринг

Реал жавобгарлик – виртуал участка

Аксарият ширкатларни ер участкаларидан маҳрум қилганларига 10 йилдан кўп вақт ўтди. Улар участка чегараси турар жой биносининг пастки қисми бўйлаб ўтадиган кадастрларни олдилар. Бу қонун ҳужжатларини кўпол бузишдир. Зеро ХУМШнинг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи Ер ва Уй-жой кодекслари, ХУМШ тўғрисидаги Қонун, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган.

Давлат шу жумладан доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкалари бериш йўли билан ширкатларни қўллаб-қувватлайди (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 7-моддаси) ва ХУМШ уларни сақлаши шарт. Бироқ ушбу участкалар

шу пайтгача асосини изохламай ширкатлардан олиб қўйилган бўлса, демак, уларда сақлаш мажбуриятлари бўлмаслиги керак. Бироқ, жавобгарлик реал, участка эса виртуал бўлиб чиқмоқда. Қонунга мурожаат қиламиз. Ширкат

кўп квартиралли, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан қамраб олинган хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддаси). Ширкат

умумий мол-мулкни, **ер участкасини сақлаш усулини белгилаш ҳуқуқига эга** (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддаси). У умумий мол-мулк, **ер участкасини асралиши ва сақлашишни таъминлаши шарт** (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 16-моддаси). Ширкат аъзоларининг **умумий йиғилиши** умумий мол-мулкни, ширкатнинг **ер участкасини** ва мол-мулкни **сақлаш ишларининг йиллик режасини тасдиқлайди** (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддаси). **Бошқарув** умумий мол-мулкни, ширкатнинг **ер участкасини** ва мол-мулкни **сақлаш ишлари режасининг лойиҳасини тузади** (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддаси). **Умумий харажатлар** ширкат аъзоларининг умумий мол-мулкни, ширкатнинг **ер участкасини** ва мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ харажатларидир (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддаси) ва ҳ.к.

Бошқарув компаниямиз 4 та бир уйли ХУМШга тўлиқ хизмат кўрсатади. Кадастр ҳужжатларига кўра уларнинг биронтасида ер участкаси йўқ. Шунга қарамай, биз уларни ободонлаштирамиз ва сақлаб турамыз. Мохиятан олганда, бу ишни ободонлаштириш бошқармалари қилиши керак. Бироқ улар буни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар, сабаби қонунга кўра бу – бизнинг мажбуриятимиз. Бу кўллаб муаммолар ва ихтилофларни юзага келтирмоқда. Уйга туташ участкаларни сақлаш ва

уларни ободонлаштиришдан кўл юва олмаймиз – шу ерда яшаб туриб, бунга қандай қилиб кўз юмishi мумкин. Агар кўл урмасак, ахлатга кўмиламыз. Уйларга туташ ҳудудни бетонладик, шахсий автомобиллар турадиган жойни жиҳозладик, уни мунтазам кўкаламзорлаштирамиз, ободонлаштирамиз. Буларнинг бари катта маблағларни талаб қилади. Бегона ҳудудга пул сарфлаётган бўлиб чиқялмиз. Мавжуд вазиятда фаррошларни тутиб туриш – мақсадга номувофиқ харажат эканлигини гапирмаيمان. Аслида ҳам, ер бўлмаса – фаррошга не ҳожа? Уларсиз қандай иш тутиш мумкин? Шундай экан, нимага асосланиб бегона участкаларни лозим даражада санитария ҳолатида тутишни биздан талаб қиладилар?

Вазият ўта чалқаш. Жавобгарлигимиз бору, ҳуқуқимиз йўқ бўлиб чиқади. Уйларимиз ёнида тиббиёт билим юрти жойлашган. Уйга туташ ҳрвлидан ҳамма ўтади – бировларнинг ортидан тозалаб улгурмаймиз. Бир қарасанг, биз меҳр билан ундирган гулни узиб ташлаб кетган бўладилар. Ўтлоқларни оёқ ости қилиб ташладилар, ён-атрофдагиларнинг барчаси итини шу ерда айлантиради, ахлат ташлайди. Йўлак рўпарасида кимдир савдо будкаси очди, болалар майдончасида бошқа ҳовлининг болалар безорилик қиладилар. Ҳудудни тўсмоқчи бўлсак, ҳақингиз йўқ дейишди. Участка ХУМШга бириктирилганда бошқа гап эди. Бир назар солинг, барча янги

қурилатган уйлар тўсилган, уларга ҳеч ким даъво қилмайдди. Демак, қаердадир буни қилиш мумкин, қаердадир мумкин эмас эканда.

Бир неча йилдан буён уйга туташ ер участкаларини уйларга бириктиришни сўраб Тошкент ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига мурожаат қилялмиз. Агар бундай қилиб бўлмаса, қандай ҳужжатлар асосида тақиқланганлигини айтишларини сўраймиз. Йил сайин масала кўриб чиқилади деган стандарт жавоб оламиз. Ҳозир муаммо иккита идора – Тошкент архитектура ва қурилиш бош бошқармаси билан шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ўртасида копток бўлаяпти. Ер тузувчилар рўйхатдан ўтказиш мақсадида уйларимизнинг ер участкаси чегараларини белгилаш ва келишиш учун материалларни Бош архитектура лойиҳа бошқармасига йўлладилар. Бироқ ҳозирча бу натижа бермади. Ахир бу фақат ХУМШнинг муаммоси эмаску. Бу муаммо йиллаб ҳал этилмаслиги кимгадир жуда наф келтирадигандек туюлади. Ободонлаштириш бошқармалари жавоб бериши керак бўлган бегона ҳудудларни сақлаш харажатлари ширкатлар зиммасида қолаверсин деяётгандек гўё. Вазият жиддий, кўриб чиқиш ва умуман олганда тартибга солишни талаб этади.

Валентина Азимова,
«Берёза Коммунал Сервис» БК
директори.



Таҳририят почтасидан

Лифтдан фойдаланмасам ҳам, ҳақини тўлайман

? Уйимиздаги лифт бузилиб қолди. Ширкатда уни таъмирлаш учун маблағ йўқ, чунки том ва ертўлани капитал таъмирлашга олган кредитларни тўлаялмиз. Раис уй аҳлига кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилиш шарти билан лифтни таъмирлашга бир марталик ихтиёрий бадал тўлашни таклиф қилди. Мен биринчи қаватда яшайман. Лифтдан фойдаланмайман. Нимага унинг учун ҳақ тўлашим керак? Бундан ташқари, мажбурий бадал таркибиди лифтга хизмат кўрсатиш ҳақи инобатга олинган. Кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватида яшовчилар учун бадални камайтириб бўлмайми?

А.Степанкова.

– «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (бундан кейин – ХУМШ тўғрисидаги Қонун) 28-моддасида назарда тутилишича, кўп квартирали уйнинг шу жумладан лифтлари, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар умумий мол-мулк ҳисобланади.

Жой мулкдорлари умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммаларига олишлари **шарт** (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 30-моддаси). Шу сабабли ҳатто лифтдан фойдаланмасангиз ҳам, уни сақлаш учун ҳақ тўлашингиз шарт.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз **Ирина Гребенюк** олиб боради.

Пойтахтда кичик саноат зоналари ташкил этилди



➤ ишлаб чиқариш майдонлари учун – ижарага олинган майдонда амалга оширилаётган фаолият туридан келиб чиқиб, ортиб борадиган коэффициентни қўлламасдан, давлат қўчмас мулкидан фойдаланиш учун ижара ўловининг энг кам ставкаси миқдорида;

➤ ер участкалари учун — қўшимча коэффициентларни қўлламасдан, Тошкент шаҳридаги ер участкаларидан фойдаланганлик учун юридик шахсларга солинадиган ер солигининг энг кам ставкаси миқдорида.

Кичик зоналарнинг иштирокчиларига уларнинг ҳудудда қулай шароитларни яратиш учун қўйидагилар очилади:

➤ рўйхат бўйича мини-банклар – иштирокчиларга банк хизматлари кўрсатиш, иштирокчи этувчи ташкилотлар учун лойиҳанинг ўзини ўзи қоплашига қараб, жумладан, имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, узок муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш учун;

➤ «ягона дарча» ягона марказлари – иштирокчиларга давлат хизматлари кўрсатиш учун;

➤ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг

ваколатхоналари – улар маҳсулотларини экспорт қилишда қўмаклашиш учун.

Иштирок этувчи ташкилотлар ҳўжалик юритувчи субъектни тегишли ҳудудда жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 2 йил муддатга юридик шахсларга солинадиган мол-мулк солиғи ва фойда солиғи, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаётган субъектлар эса ЯСТдан озод қилинади. Имтиёзлар ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг камида 30%и экспортга реализация қилинганда яна 2 йилга узайтирилади.

Мазкур имтиёзлар иштирокчилар томонидан ЭКИХнинг 3 000 бараваридан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритилганда амал қилади. Бундан ташқари, агар иштирокчининг йиллик тушуми ЭКИХнинг 2 000 бараваридан кам бўлса, тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинади, солиқларни тегишли ҳисобот йили учун тўлаш мажбурияти тикланади.

Ҳужжат билан Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарининг Кафиллик жамғармаси ташкил этилди.



Жамғарма қуйидаги шартлар бажарилганда тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг гаров билан қопланмаган қисми бўйича иштирокчиларга таъминот тақдим этади:

➤ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни маҳаллийлаштириш даражаси йил давомида камида 60% бўлиши таъминланганда;

➤ умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг камида 10%и йил давомида экспорт қилинганда;

➤ мажбуриятлари бўйича кафиллик берилганда иштирок этувчи ташкилотлар 1 йилдан кам бўлмаган давр мобайнида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритганда.

Ихтиёрий тугатиш механизмига тузатишлар киритилди

Президентнинг 22.05.2017 йилдаги ПҚ-2985-сон қарори билан Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомга (27.04.2017 йилдаги ПҚ-630-сон қарор билан тасдиқланган) тузатишлар киритилди.

Киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

1) тугатилаётган корхонани давлат реестридан

чиқариш учун рўйхатдан ўтказган органга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига тузатишлар киритилди. Хусусан, энди молия-ҳўжалик фаолиятини амалга ошираётган корхоналарни тугатишда мавжуд лицензиялар (рухсатномалар)нинг асл нусхалари топширилмайди. Фаолиятни амалга ошираётган ва оширмаётган корхоналарнинг муҳр ва штамплари, улар мавжуд бўлган тақдирда, топширилади;

2) молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаган корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги

солиқ органлари давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб рўйхатдан ўтказган органнинг сўровнома-си олингандан кейин 2 иш куни мобайнида камерал назорат ўтказилади. Мазкур ҳолатда корхона давлат рўйхатидан ўтган вақтидан бошлаб молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги далилини тасдиқлаш учун камерал назорат ўтказилади;

3) солиқ хизматининг корхона томонидан банкларда ҳисобрақамлар очилмаганлигини тасдиқлайдиган ёзма жавоби рўйхатдан ўтказувчи органга тегишли сўровнома олинган кундан бошлаб бир ҳафта (илгари – 2 ҳафта) мобайнида юборилади.

Касаначиларга кредитлар берилади ва имтиёзлар узайтирилади

Президентнинг 24.05.2017 йилдаги ПҚ-2996-сон қарори билан Тошкент шаҳрида Касаначиликни қўллаб-қувватлаш бўйича консорциум ташкил этилди.

Тижорат банклари томонидан «Касаначиликни қўллаб-қувватлаш бўйича консорциум» МЧЖ 50 млрд сўмлик бошланғич устав капитали билан ташкил этилади.

Мазкур ташкилот замонавий машина, асбоб-ускуналар, хом ашё ва материалларни харид қилишга касаначи ва (ёки) касана маҳсулотларини ишлаб чиқаришга буюртма берувчи корхоналарга қуйидаги касаначилик турлари учун сотиб олинаётган товарларни кафилликка олиш орқали заёмлар ажратади:

➤ тўқима ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

➤ галантерея (атторлик) маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

➤ қандолат ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

➤ мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

➤ электротехника маҳсулотларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш;

➤ боғдорчилик ва ободонлаштириш хизматлари.

Заёмларни тақдим этишнинг аниқ тартиби алоҳида Низом билан белгиланади. Консорциумнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек пойтахтнинг ҳар бир туманида филиаллари томонидан касаначи ва буюртма берувчи корхона ўртасида

ўзаро алоқаларни ўрнатишни таъминлаш амалга оширилади. Улар уй шароитида маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш учун маркетингини амалга оширадиган ва буюртмачиларни топадилар.

1.07.2017 йилдан бошлаб касаначилар учун ЖШДС ставкаси қатъий 7,5% миқдорида белгиланди.

2006 йилнинг февралидан амал қилаётган касаначилар томонидан уй шароитида товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқарилишига буюртмалар берадиган корхоналар учун меҳнат шартномаси бўйича касаначиларга тўланадиган маблағлар миқдоридида меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ЯИТ тўлашдан озод қилиш қўринишидаги имтиёзлар 2021 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

«GlobUzCard» иш фаолияти белгиланди

Марказий банк бошқарувининг қарори (AB томонидан 15.05.2017 йилда 2884-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «GlobUzCard» банклараро универсал чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низом тасдиқланди.

«GlobUzCard» янги тўлов тизими бўлиб, Ўзбекистонда ва хорижда банк пластик карталаридан (бундан кейин – БПК) фойдаланган ҳолда хорижий валютадаги операцияларни ўтказиш учун ташкил этилади. «GlobUzCard» бошқа халқаро тўлов тизимлари (Visa, MasterCard, Union Pay International, JCB, American Express, Diners Club ва бошқалар) билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистонда хорижий валютадаги операциялар бўйича маълумотлар клирингини, шунингдек «GlobUzCard» тўлов тизими доирасидаги барча операциялар бўйича процессинг функцияларни «Yagona xalqaro protsessing markazi» МЧЖ ҚК бажаради. «GlobUzCard» тўлов тизимида миллий валютадаги ҳисоб-китоблар учун банкнинг вазифасини

Марказий банк Ҳисоб-китоб-клиринг маркази амалга оширади.

Ҳужжатда тизим бошқарувининг юқори органи – Мувофиқлаштирувчи кенгаш, унинг ишчи органи – Процессинг марказининг фаолиятини ташкил қилиш масалалари батафсил ёритилган. Бундан ташқари, ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банкнинг, GlobUzCard» тўлов тизими аъзоси бўлган банкларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари санаб ўтилган.

Маълумот учун: Мувофиқлаштирувчи кенгашга тўлов тизими аъзоси бўлган банклар, шунингдек Ўзбекистон банклар уюшмаси ва Процессинг маркази раҳбарлари (раҳбар ўринбосарлари) кирадилар.

Банкларнинг «GlobUzCard» тўлов тизимига аъзо бўлиши ихтиёрийдир. Банк тўлов тизимига аъзо бўлиш учун Мувофиқлаштирувчи кенгашга ариза билан мурожаат қилади, унга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

➤ банк операцияларини амалга ошириш учун лицензиянинг нусхаси;

➤ БПКни жорий этиш ва ривожлантиришнинг йиллик бизнес-режаси.

Процессинг маркази банк томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ҳулоса тузади ва уни Мувофиқлаштирувчи кенгашга тегишли қарор қабул қилиши учун киритади. Мувофиқлаштирувчи кенгаш 15 кунлик муддат ичида банкни «GlobUzCard» тўлов тизимига қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

«GlobUzCard» тўлов тизими аъзоси бўлган банк қуйидаги ҳолларда ушбу тўлов тизимидан чиқарилади:

➤ ўз аризасига мувофиқ (Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 90 кун ичида хабардор қилган ҳолда);

➤ нақд пулсиз ҳисоб-китобларга оид қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам равишда бузганда;

➤ банк «GlobUzCard» тўлов тизимининг бошқа иштирокчилари: Ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банк ва Процессинг маркази олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаганда;

➤ банк тугатилганда.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 22.05.2017 йилдаги 20-сонига расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Ҳаммамиз тўкин дастурхонни яхши кўрамыз. Лекин баъзида сифатсиз озиқ-овқат тайёрлашда шундай жиноятлар учраб турадики, улар асосан кишиларнинг, айниқса болаларнинг соғлиғига жиддий, баъзан ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказиши мумкин. Сифатсиз маҳсулот истеъмол қилиниши натижасида кўпинча ўткир ошқозон-ичак касалликлари юзага келади, айрим ҳолларда эса у ўлим билан хотима топади.



Таомнинг ҳаммаси ҳам фойдали бўлавермайди

Озиқ-овқатдан заҳарланиш ошқозон-ичак касалликларининг анча кенг гуруҳини ташкил этади. Бундай заҳарланишларнинг сабаблари турлича, бироқ уларнинг аксарияти инсон учун хавфли бўлган бактериялар таъсирига учраган озиқ-овқат маҳсулотини истеъмол қилиш натижасида юзага келади. Бактериявий заҳарланишларнинг авж олиши одатда ўнлаб, баъзан юзлаб одамлар, биринчи ўринда бу касалликка мойиллиги кучли бўлган болаларга дахл этади.

Келиб тушаётган хом ашёнинг сифатини синчиқлаб текшириш, уни сақлашнинг лозим даражадаги шарт-шароитларини таъминлаш, овқат тайёрлаш технологияси, уни сақлаш ва сотиш қоидаларига қатъиян риоя қилиш умумий овқатланиш қорхоналари барча ходимларининг, энг аввало улар раҳбарларининг асосий мажбуриятларига киради. Қабул қилиш—сақлаш—тайёрлаш—сотиш ҳалқасининг бирорта бўғинида йўл қўйилган қоидабузарлик энг оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Масалан, тайёр таом хона ҳароратида бир кеча сақланиши натижасида юқумли касаллик кўзгатувчиси кўпайиши ва овқатдан заҳарланишни келтириб чиқарадиган микдорда токсинлар тўпланиши мумкин.

Оғир оқибатларга олиб келадиган қоидабузарликлар жиноят ишларини кўзгатиш ва айбдорларни аниқлаш ҳамда келгусида бу хил жиноятларга йўл қўймаслик мақсадида пухта тергов ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Озиқ-овқатдан заҳарланишлар тергов қилинган бир нечта анча мураккаб жиноят ишларини мисол сифатида келтириш мумкин.

Болалар салат ейишган эди...

Бир вилоятдаги шаҳарнинг болалар боғчасида нонуштадан кейин овқатдан оммавий заҳарланиш юз берди, шу муносабат билан жиноят иши кўзгатилиди. Экспертлар ёрдамида ўтказилган терговда заҳарланишга салат истеъмол қилиш натижасида патоген стафилококк микробларининг ривожланиши сабаб бўлганлиги аниқланди. Текширувнинг кўрсатишича, бош ошпаз П., ошпаз З. ва ошхона ходими О. заҳарланиш манбалари бўлишган, яъни уларнинг қўлларида жароҳатлар ва йиринг чиқиб турган жойлар бўлган.

Ҳамма нарса тушунарлидек эди. Бироқ мазкур шахслар салатни бевосита тарқатишдан олдин

тайёрлаганликларини айтишди. Махсус адабиётлардан «стафилококклар термик ишлов берилган маҳсулотлар узоқ вақт сақланганда ва улар иссиқ жойда сақланганда яхши кўпайиши ва энтеротоксин ҳосил қилиши»ни билган терговчи эса бундай кўрсатмаларга ишонмади. Унинг тахминича, салат кечкурун тайёрланган ва зарур шартларга

риоя этилмасдан сақланган. Қўпол қоидабузарликларга йўл қўйган озиқ-овқат блоки ходимлари эса жавобгарликдан қўрққанликлари боис ушбу ҳолатни яширишган.

Терговчи ушбу масала бўйича озиқ-овқат блокларнинг барча ходимларини батафсил сўроққа тутди, кейин эса тергов экспериментини ўтказишга қарор қилди. Сўроқ қилинган шахслар ўша кунни эрталаб қачон иш бошлаганликларини

айтишди. Улар салатни қандай, нимадан ва қандай кетма-кетликда тайёрлашганлиги, ким қандай ишни бажарганлигини билдиришди. Улар бунда қандай ошхона анжومي ва ускунасида фойдаланганликларини кўрсатишди.

Терговчи эксперимент шарт-шароитларини текшириб, овқат ҳолатларига имкони борича яқинлаштириш учун ушбу масалаларнинг ҳаммасини аниқлади ва ойдинлаштирди.

Озиқ-овқат блоки ходимлари эксперимент чоғида салат тайёрлаш жараёнини тезлаштириш учун терговдан яширган ҳолда (бу нарса кейинроқ маълум бўлди) қўлларидан келган ҳамма ишни қилишган: плитадаги конфоркани бундан қувватлироқга алмаштирганлар, сабзавотларни олдиндан ювишган ва тозалашган, улар микдорни камайтирганлар ва ҳоказо.

Бироқ, шунга қарамай, эксперимент натижалари улар эрталаб, нонуштага қадар, талаб қилинадиган салат микдорини тайёрлай олмасликларини кўрсатди. Кейинги текширувнинг тасдиқлашича, салат таркибий қисмларининг бир қисми, тахмин қилинганидек, кечкурун тайёрланган ва кечаси билан ошхонада очик ҳолда турган.

Озиқ-овқат тайёрлаш ва уни сақлаш шартларининг аниқ бўлиши шу тариқа аниқланди, бу бошқа ҳолатлар билан бир қаторда, болалар боғчаси мудири С. (йўл қўйилган совуққонлик ва ўз ходимларининг

фаолияти устидан назорат қилмаганлиги учун) ва бош ошпаз П.га қўйилган айбловга асос бўлди.

Сальмонеллалар котлетлар

Бир завод ишчилари ўртасида юз берган овқатдан оммавий заҳарланиш тўғрисидаги жиноят иши яна бир мисол бўла олади. Мазкур ишда умумий овқатланиш қорхонаси ходимлари ва маҳсулот етказиб берувчиларнинг биргаликдаги айби аниқланган эди. Тергов давомида касаллик – сальмонеллез – завод ошхонасида котлет ва қовурилган макаронни истеъмол қилиш натижасида юзага келганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, ошхонада санитария қоидалари, овқат тайёрлашнинг технологик жараёни ва уни сақлаш шароитлари қўпол равишда бузилган. Ушбу ҳолатлар овқатдан заҳарланишнинг юзага келишига имкон берган. Инфекциянинг бевосита манбаини аниқлаш учун ошхонада ўтказилган текширув билан бир вақтда терговчи ошхонага заҳарланган хом ашёнинг келиб тушиши мумкинлиги тўғрисидаги тахминни ҳам текширди. Ушбу тахмин ўз тасдиғини топди. Ошхона мудири Ф.нинг совуққонлиги туфайли, сальмонелла билан оғриган сигир мажбурий сўйилиши боис унинг гўшти қабул қилинганлиги аниқланди.

Хом ашёга термик ишлов бериш режими бузилганлиги туфайли микробларнинг ҳаммаси ҳалок бўлмаган ва тайёр овқат узоқ вақт хона ҳароратида сақланганлиги боис, улар кўпайган ва оммавий заҳарланишга олиб келган. Агар тайёрлаш ва тайёр маҳсулотни сақлаш технологияси бузилмаганда, тегишли термик ишлов берилганда микроблар ҳалок бўлган ва маҳсулотни совутиш камераларида сақлаш эса унинг нормал сифатини таъминлаган бўлар эди. Бироқ, афсуски, ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчининг айбига

кўра зарарланган гўшдан фойдаланилган. Бунинг устига, тайёрлаш ва тайёр овқатни сақлаш қоидалари ҳам бузилган, бу эса кишиларнинг оммавий заҳарланишига олиб келган.

Ўлдирилган ҳайвонларнинг ветеринария кўриги ҳамда гўшт ва гўшт маҳсулотларининг ветеринария-санитария экспертизаси қоидаларини бузишга йўл қўйган ошхона мудири Ф. ва сут фермасининг катта ветеринария врачлари М. жиноий жавобгарликка тортилдилар ва суд қилиндилар.

Ольга Маршанская.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАХИМБЕКОВА

Саҳифабовчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: shx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсатиши – 196. Қўзғатилган – А3. Ҳақми – 2 босма табоқ, Бухорои келгиллигини нарҳда.
Бўртма 995. Адади 1 150. Газета 2017 йил 5 июнь, соат 18.00 да топирилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.